
ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ “ФУТБОЛ РИВОЖИ УЧУН” СОВРИНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Бугун, 25 декабрь куни ўзбек футболининг 2021 йил якунларига бағишланган UZ Football Awards-2021 тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тошкентдаги «Renessans Hall»да Ўзбекистон футбол ассоциациясининг йил лауреатларини тақдирлашга қаратилган «UZ Football Awards» маросимида ўзбек футболининг жорий мавсумдаги энг яхшилари ҳамда юртимизда футбол ривожини учун ҳисса қўшиб келаётганлар тақдирландилар.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров “Футбол ривожини учун” соврини билан тақдирланди. Мамлакатимизда футболни ривожлантириш ва уни оммавийлигини ошириш йўлидаги хизматлари, Наманган вилояти ҳокими сифатида “Навбахор” клубини кучли жамоага айлантиришда ва вилоятда янги футбол академияларига асос солишдаги ҳиссаси, шунингдек, мазкур ишларни Фарғона вилояти ҳокими сифатида ҳам давом эттираётганлиги учун Хайрулло Бозоров ушбу совринга лойиқ деб топилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#),
2021-12-27 15:33:16